

**ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ  
ҚЎЛЛАШГА ОИД  
ТЕСТЛАР**

- 1. Иқтисодий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик ....**
- 2. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса...**
- 3. Қуйидагилардан қайси бири иқтисодий суд ишларини юритиш вазифаси ҳисобланади?**
- 4.Кимлар иқтисодий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга?**
- 5.Судга мурожаат қилиш...**
- 6.Иқтисодий иш қандай ҳужжатлар асосида шакллантирилади?**
- 7.Иқтисодий суд томонидан қандай шаклдаги суд ҳужжатлари қабул қилинади?**
- 8.Иқтисодий суд ишларини юритишнинг қуйидаги қайси принципи конституциявий принцип ҳисобланмайди?**
- 9.Иқтисодий суд ишларини юритиш принципларига бевосита тааллуқли принципни кўрсатинг.**
- 10. Иқтисодий судда ишларни қандай ҳолларда ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилади?**
- 11. Низоли муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини қўллайди, бундай нормалар ҳам мавжуд бўлмаганда эса ...**
- 12. Ишни кўриш жараёнида судья алмаштирилганда ишни кўриш қандай тартибда амалга оширилади?**

**13. Суд томонидан иш ҳайъат таркибида кўрилатганда юзага келадиган масалалар...**

**14. Қандай ҳолатларда ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилади?**

**15. Қуйидагилардан қайси бири судьяни рад қилиш асоси сифатида тан олинмайди?**

**16. Қуйидагилардан қайси бири прокурорни рад қилиш асоси сифатида тан олинмайди?**

**17. Иқтисодий ишни якка тартибда кўраётган судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала ким томонидан ҳал қилинади?**

**18. Ўзини ўзи рад қилиш тўғрисидаги ёки судьяни ёхуд бир неча судьяни ёнги бутун суд таркибини рад қилиш ҳақидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда....**

**19. Иқтисодий судга тааллуқли бўлмаган ишни кўрсатинг?**

**20. Иқтисодий суд томонидан ҳал этилмайдиган низоли ишни аниқланг?**

**21. Қуйидагилардан қайси бири ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар жумласига кирмайди?**

**22. Қуйидагилардан қайси бири арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар жумласига кирмайди?**

**23. Қуйидаги қайси ишлар низо юзага келган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси юридик ёки жисмоний шахслар бўлишидан қатъи назар, иқтисодий суд томонидан кўриб чиқиладиган ишлар жумласига кирмайди?**

**24. Қуйидагилардан қайси бири арбитраж муҳокамасига кўмаклашиш билан боғлиқ ишлар жумласига кирмайди?**

**25. Иқтисодий судга тааллуқли бўлган низо ҳакамлик судига кўриш учун қайси ҳолларда топширилиши мумкин?**

**26. Қуйидагилардан қайси бири инвестициявий низолар ишлар жумласига кирмайди?**

**27. Рақобатга оид ишлар жумласига ....**

**28. Инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хохишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита...**

**29. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан қуйидаги қайси ишлар биринчи инстанция суди сифатида кўрилмайди?**

**30. Юридик шахсларга нисбатан даъволар....**

**31. Турли ерларда жойлашган бир неча жавобгарга нисбатан даъволар...**

**32. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар....**

**33. Алоҳида судловга тегишлилик тўғри кўрсатилган жавобни топинг?**

**34 Қайси ҳолларда иқтисодий суд ишни бир иқтисодий суддан бошқасига ўтказди?**

**35. Иш судловга тегишлилик қоидаларини бузган ҳолда қабул қилинганлиги ишни шу судда кўриш чоғида маълум бўлса, суд ...**

**36. Иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг таркиби қуйидагилардан қайси бири кирмайди?**

**37. Ишда иштирок этувчи шахсларга қуйидагилардан қайси бири кирмайди?**

**38. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларига қайси бири кирмайди?**

**39. Ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этган ёки манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган юридик шахслар ва фуқаролар...**

**40. Ишда бир неча даъвогарнинг иштирок этиши деганда нимани тушунасиз?**

**41. Иқтисодий суд томонидан иш юритишни тугатишга асос бўладиган ҳолатни аниқланг?**

**42. Даъвогар даъвосидан воз кечган ва иқтисодий суд уни қабул қилган бўлса...**

**43. Агар ишда тараф ҳисобланган фуқаронинг ўлимидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса, суд қандай ажрим чиқаради?**

**44. Суд харажатларини нима ташкил қилади?**

**44. Ер участкасини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъвонинг баҳоси қандай аниқланади?**

**45. Қуйидагиларнинг қайси бири давлат божини қайтариб бериш учун асос бўла олмайди?**

**46. Қуйидагилардан қайси бири суд чиқимларига кирмайди?**

**47. Гувоҳлар, таржимонлар, мутахассислар ва экспертларга тўланиши лозим бўлган сумма ким томонидан суднинг депозит ҳисобварағига олдиндан ўтказилади?**

**49. Суд томонидан тайинланган процессуал муддатлар қандай асосга кўра ва ким томонидан узайтирилиши мумкин?**

**50. Иқтисодий судлар томонидан суд жаримаси қанча миқдорда солинади?**

**51. Иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси қуйидаги ҳолларда ҳам суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланмайди?**

**52. Тарафлар томонидан келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг қандай босқичида тузилиши мумкин?**

**53. Суд буйруғини чиқариш учун асос бўлмайдиган ҳолатни аниқланг?**

**54. Буйруқ тартибида иш юритишда тарафлар сифатида кимлар иштирок этади?**

**55. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун қанча миқдорда давлат божи тўланади?**

**56. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида қандай суд ҳужжати чиқарилади?**

**57. Агар суд буйруғи берилгунига қадар кредитордан аризани қайтариб олиш тўғрисида ариза тушган бўлса...**

**58. Суд буйруғи неча нусхада чиқарилади ва кимларга берилади?**

**59. Суд буйруғини беришни рад этиш...**

**60. Қанча муддат ичида ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ариза берилиши мумкин?**

**61. Даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга неча кундан кечиктирмасдан юборилади?**

**62. Даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажримнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга қанча муддатда юборилади?**

**63. Қуйидагилардан қайси бири иқтисодий судда даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асоси бўла олмайди?**

**64. Иқтисодий суднинг иш юритишида айти бир шахслар ўртасида, айти бир предмет тўғрисида ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, судья...**

**65. Қуйидаги қайси ҳолатлар даъво аризасининг қайтарилишига асос бўлмайди?**

**66. Агар даъво аризаси имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса...**

**67. Агар жавобгарга ва учинчи шахсларга даъво аризасининг ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса...**

**68. Агар битта даъво аризасида бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан ўзаро боғлиқ бўлмаган бир нечта талаб бирлаштирилган бўлса, судья.....**

**69. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр ким томонидан ва қайси муддатда судга юборилиши мумкин?**

**70. Ишда иштирок этувчи шахслардан қайси бири даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақли?**

**71. Жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун қарши даъвони қачонгача тақдим этишга ҳақли?**

**72. Қарши даъво қуйидаги қайси ҳолда тақдим этилиши мумкин эмас?**

**73. Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида қуйидаги қайси ҳаракатни амалга оширмайди?**

**74. Суд мажлисининг фототасвирига, видеоёзувига, шунингдек радио ва телевидение орқали трансляция қилинишига кимнинг рухсати билан йўл қўйилади?**

**75. Суд қандай ҳолатларда суд муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли?**

**76. Суд ҳал қилув қарорининг баён қисмида кўрсатилмайдиган ҳолатни аниқланг?**

**77. Суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатилмайдиган ҳолатни аниқланг?**

**78. Суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида кўрсатилмайдиган ҳолатни аниқланг?**

**79. Ҳал қилув қарорида суд харажатлари тўғрисидаги масала ҳал этилмаган бўлса, суд қандай хатти-ҳаракатларни амалга оширади?**

**80. Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд томонидан қуйидаги ҳолда қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилинмайди?**

**81. Ёзувдаги хатоларни, ҳарфий хатоларни, ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисида қандай суд ҳужжати чиқарилади?**

**82. Қуйида келтирилган қайси суд ажрими устидан апелляция шикояти (протести) берилмайди?**

**83. Суд мажлиси залидан ташқарида бажарилган айрим процессуал ҳаракатлар қандай процессуал ҳужжат билан расмийлаштирилади?**

**84. Қуйидаги қайси ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилади?**

**85. Қандай органлар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга?**

**86. Қуйидаги ҳуқуқий таъсир чораларидан қайсилари иқтисодий судлар томонидан қўлланилмайди?**

**87. Иқтисодий суднинг ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қачон қонуний кучга кирилади?**

**88. Иқтисодий суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қандай процессуал ҳужжат қабул қилади?**

**89. Апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати қанча?**

**90. Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати қанча?**

**91. Апелляция протести келтирган прокурор қачонгача протестни чақириб олишга ҳақли?**

**92. Апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати қанча?**

**93. Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) қанча муддатда кўриб чиқилади?**

**94. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) қанча муддатда кўриб чиқилади?**

**95. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил қуйидаги қайси ҳолда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти беришга ҳақли эмас?**

**96. Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд кассация шикояти (протести) келиб тушган кундан эътиборан неча кунлик муддатда уни кассация инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт?**

**97. Кассация шикоятини (протестини) бериш муддати қанча ва ва у қайси кундан бошлаб ҳисобланади?**

**98. Кассация инстанцияси судида ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун қуйидагилардан қайси бири асос бўлади?**

**99. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати қанча?**

**100. Қуйидагилардан қайси бири тафтиш тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга эмас?**